

# ЛОЙИХАВИЙ ТАЪЛИМГА ОЛДИНГИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ НИГОҲ

Д.М. Файзуллаева,  
п.ф.н., доц. ХНУ

*Аннотация:* Мақолада олий ўқув юртларида лойиҳавий таълимдан кенг фойдаланишининг ижтимоий-педагогик шарт-шароитлари кўриб чиқилади.

*Abstract:* The article examines the socio-pedagogical conditions of widely usage of project education in higher educational institutions.

**Калимли сўзлар:** лойиҳа, ўқув лойиҳаси, лойиҳалар усули, лойиҳа фаолияти

Ўзбекистонда иқтисодий тизимни ислоҳ этиш шароитида олий таълим тизими соҳасини тезкор ўзгартириш жараёни: «дастурни ўтиш» ва фан соҳаси билимлари йигиндисини ўзлаштиришдан ҳозирги жамиятни тараққий эттириш босқичида талаб этилувчи таҳсил олувчиларнинг маълум шахсий хусусиятларини шакллантириш, «натижга»га қаратилган тизимга ўтиш давом этмоқда. Бир «бўғинли» асосдаги тизим иккинчи «лаёқатлилик» асосига қўйилмоқда. Касбий ҳамжамиятлар доирасига мослашиш ва самарали фаолият юритиш учун зарур универсал – таянч лаёқатлари ҳамда мутахассислик бўйича ишларни бажариш учун зарур ва етарли билим, ўқув ва кўникмаларни ўзлаштириш замонавий касбий тайёргарликнинг натижаси бўлиши лозим.

Ўқув жараёнига лаёқатлилик ёндашувларини киритиш таълим мазмуни, ўқув жараёни ва педагог фаолияти амалиётида жиддий ўзгаришларни амалга оширишни талаб этади. Шунинг учун бундай тайёргарликнинг диққат марказида – шахс, педагогика фанининг диққат марказида эса – шахсга қаратилган таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш туриши зарур.

Ҳозирда лойиҳавий таълим XXI асрнинг таҳсил олувчиларида шиддат билан ўзгариб бораётган дунёга мослашиш уқувларини шакллантириш, касбий тайёргарликнинг исталган соҳасидаги бўлажак мутахассисларда таянч лаёқатларни ривожлантиришни таъминловчи педагогик технологияларига киритилмоқда.

Олий мактабда лойиҳавий таълимнинг долзарблигини қатор омиллар белгилайди. Уларни қуидагича белгилаймиз.

1. Билим ва кўникмалар иқтисодиётнинг асосий ресурси ва капиталига айланган жамият олий мактабда мутахассисларни тайёрлашга янги қатъий талабларни қўяди. Таълимни модернизациялаш таҳсил олувчиларнинг касбий тайёргарлиги сифатини оширган ҳолда, ўқув муассасасидан меҳнат бозорида рақобатбардош, «билим-уқув» ўртасидаги алоқа ва вазиятни ўрнатиш ҳамда амалга ошириш, ўз билимларини касбий ҳаракатларга айлантириш, ижтимоий, ахборотли ва коммуникацияли лаёқатларга эга, ўз тақдири учун масъул ва

жамият, референт гурух ва оиласи олдида жавобгарликни ҳис этишга қодир мутахассислар етишиб чиқишини кўзда тутади.

2. Бозор иқтисодиётига ўтиш ишлаб чиқариш технологияларида интеграция жараёнлари ва уларнинг тезлигини кучайтиришни келтириб чиқарди. Нафақат сақланиб қолиш, балки гуллаб-яшнашга эришиш учун корхона ва ташкилотлар ўз маҳсулот ва хизматларини доимий такомиллаштириб боришига тўғри келади. Лойихалар самарали восита бўлиб, унинг ёрдамида ҳар қандай фикр ва инновациялар ҳаётга татбиқ этилади.

Буюк ўзгаришлар = Кўпроқ инновациялар = Кўпроқ лойихалар [4.19-б.].

Лойихаларни бошқариш кўникмаларига эга бўлиш касбий лаёқатлиликнинг муҳим кўрсаткичларидан бирига айланади. Мехнат фаолияти турини ўзгартириш касбларнинг ўзгарувчан оламига осон мослаша оладиган янгича мутахассисларни тайёрлаш заруратини ҳам белгилайди.

*Лойихалар усули* «ўқитиш усули» дидактик тоифа сифатида XIX аср бошларида шаклланди. Бу даврда прагматик педагогика доирасида «эркин тарбия» ғоялари юзага келди. Таҳсил олувчига оламни шахсий тажрибасида фаол ўрганиш имконини бериш орқали унда ижодий қобилиятларни ривожлантириш зарурлигига ишониш бу турли-туман ёндашувларни бирлаштирувчи куч бўлди. Прагматик педагогика асосчиси америкалик файласуф ва педагог Дж. Дьюи таълимга қуйидаги янгича инсонпарварона ёндашувнинг асосий концептуал қоидаларини ишлаб чиқди ва асослади [12]:

- амалий натижа берувчи ишгина ҳақиқий ва қимматли ҳисобланади;
- бола онтогенезда атроф оламни билишда инсоният босиб ўтган йўлни тақрорлайди (индукция усули орқали хусусийдан умумийга);
- билимларни ўзлаштириш – табиий, бошқарилмайдиган жараён;
- бола таълимнинг фаол субъекти бўлган ҳолда, билимларга эҳтиёж юзага келгандагина ахборотни ўзлаштириши мумкин.

Дж. Дьюи назариясига кўра, муваффақиятли таълим шартлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ўқув материаларининг муаммоси;
- боланинг билиш фаоллиги;
- таълимнинг бола ҳаётий тажрибаси билан алоқаси;
- таълимни фаолият (ўйин, меҳнат) сифатида ташкил этиши.

Дж.Дьюи таълимни таҳсил олувчига ҳаётда айнан зарур бўладиган билимларга қизиқиши англаган ҳолда, унинг мақсадга мувофиқ фаолияти орқали фаол асосда ташкил этишни таклиф этган.

Лекин ҚАНДАЙ ҚИЛИБ? Шу ўринда таҳсил олувчига таниш ва аҳамиятли реал ҳаётдан олинган муаммо талаб этилади, уни ҳал этиш учун эса мавжуд, келгусида ўзлаштирилиши лозим бўлган билим ва кўникмаларни кўллаш зарур.

ҚАЙ ТАРЗДА? Дж. Дьюининг фикрига биноан, буни фавқулодда оддий бажариш мумкин:

- таҳсил олувчи муаммони айтиб бериши ёки таҳсил олувчилар фикрини мустақил излаш учун керакли жойга йўналтириш мумкин;

- ➡ таҳсил олувчилар муаммони мустақил равишда ёки биргалиқда турли-туман соҳалардаги зарур билимларни қўллаган ҳолда ҳал этадилар;
- ➡ таҳсил олувчилар реал ва сезиларли натижага эришадилар [12].

Шундай қилиб, муаммонинг ҳал этилиши лойиҳа фаолияти кўринишига эга бўлади.

Дж. Дъюи ҳаётдан узоқ, оддий ёдлашга қаратилган мавхум назарий билимларни моҳиятан ислоҳ этиш, мактаб таълим тизимиға «бажариш йўли билан» замонавий таълим кўринишини беришни таклиф этди, у боланинг шахсий тажрибасини бойитади ва унинг атроф оламни мустақил ўрганиш усулини ўзлаштиришидан иборатдир.

Колумбия университети профессори Ч.Р. Ричардс Дж. Дъюининг «конструктив» таълим ғоясини қўллаб-қувватлаб, «лойиҳавий таълим» атамасидан илк бор фойдаланди.

Дж. Дъюининг ғоялари унинг давомчилари – америкалик педагоглар В. Килпатрик, Е. Коллингс ва Е. Пархерстнинг ишларида ривожлантирилди, улар таҳсил олувчиларнинг нафақат фаол ўрганиш фаолияти, балки биргалиқдаги меҳнат, ҳамкорлик асосидаги фаолиятини ташкил эта бошладилар. Бунда тарбия мақсадлари биринчи ўринга чиқди. 1911 йилда АҚШ Тарбия бюроси «лойиҳа» атамасини қонунлаштириди ва у америка педагогикасида янада мустаҳкамлана бошлади. 1919 йилда АҚШ Марказий мактаб муассасаси муҳим хужжат: «Таълимдаги лойиҳа усули» ни чоп этди, бу лойиҳалар усулининг давлат томонидан тан олиниши эди. [24. 685-686 б.].

В. Килпатрик – дунёга машҳур «Лойиҳа усули» асари муаллифи (1918 й.) замонавий «лойиҳавий таълим» тушунчаси учун долзарб мазкур таълим усулининг дидактик асосларини шакллантириди:

- В. Килпатрикнинг фикрига биноан, айни пайтда умумий манфаат асосида бирлашган болалар гуруҳининг юқори даражадаги мумстақиллик билан «чин юрақдан» бажарган ҳар қандай фаолияти лойиҳа ҳисобланади;
- мактаб болаларни ҳозирча намоён бўлмаган, лекин келажакда кутиладиган муаммолар билан тўқнашувга тайёрлаши керак;
- лойиҳавий таълим муаммони ҳал этишга асосланади. Лекин у мақсад қўйилиб, уни ҳал этишга интилиш мавжудлигида лойиҳага айланади;
- ўқитувчи маъruzachi эмас, балки маслаҳатчи вазифасини бажариши: ўқувчиларга маълумотни қаердан олишни айтиш, олинган билим ва кўнилмалар кундалик ҳаётда қай тарзда асқотишини тушунириши керак;
- лойиҳавий фаолият натижасида доимо муайян маҳсулот яратилиши зарур.

У.Х. Килпатрик таҳсил олувчидаги лойиҳавий фаолиятга мақсадга кучли интилишни ўйғотишнинг имкони бўлмагандага, лойиҳалар усулини қўллашдаги чекловларни ҳам таъкидлаб ўтади.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, У. Килпатрик «лойиҳалар усули» тушунчасини асослаб, уни таҳсил олувчиларни кўзда тутиш билан чекланган таълимот усули сифатида кўриб чиқсан. У. Килпатрик лойиҳалар усули бўйича фаолият юритувчи мактаб дастурини белгилаган ҳолда, таълимнинг мазмуни ва уни ташкил этишни қатор ўзаро боғлиқ шундай тажрибаларни

амалга ошириш билан боғлайдики, бир тажрибадаги таҳсил олувчилик томонидан олинган маълумотлар бошқа тажрибалар оқимининг бойитилиши ва ривожлантирилишига хизмат қиласи [29].

Лойиҳалар усулининг америкалик педагоглар орасида оммалашуви унинг тушунчаси кенгайишига олиб келди. Шудай қилиб, Е. Коллингс лойиҳалар усули тавсифларини тўлдирган ҳолда қуйидагиларни ажратади:

- таҳсил олувчиларнинг лойиҳани режалаштириш, амалга ошириш ва баҳолашдаги мустақиллиги;
- ўқитувчининг вазифаси ўзгариши;
- таълимнинг муаммоли ва фаолиятли характери;
- бошқа фанлар, мактабдан ташқари фаолият билан алоқа;
- маҳсулотга қаратилган натижага эришиш;
- амалиёт орқали текшириш [29].

XX аср бошларида Миссури штатида Е. Коллингс мактаби билан бир қаторда янги-янги тажриба мактаблари очила бошлади.

Далтон шахридаги Елена Паркхест мактабида педагогика фаолияти «учта кит» асосий принципларига асосланган бўлиб, қуйидагиларда ифодаланади:

- боланинг эркинлиги;
- унинг боллар гурӯҳи билан ўзаро муносабати;
- дарс вақтининг қулай тақсимланиши.

Декларацияланган ва таҳсил олувчига реал тарзда тақдим этиладиган эркинлик шахсий таълим суръатини танлаш имконияти орқали таъминланади. Иккинчи принципнинг таъминланиши турли ёшдаги гурухларнинг ўзаро мулоқоти орқали амалга оширилади. Дарс вақтини тақсимлашда қатъий назоратнинг йўқлиги руҳий босимдан халос этиб, ҳар бир ўқувчининг сарфланган вақт учун жавобгарлигини оширади. Гарчи бу мактабда асосий ва қўшимчага бўлинса-да, ҳамма фанларни ўрганишда лойиҳалар усули қатъий қўлланилди.

Америка тажриба мактабларида қўлланилган шакл ва усулларнинг хилма-хиллигидан қатъий назар, бир умумийликни фарқлаш мумкин. Унинг моҳияти шундаки, яратувчанлик фаолияти орқали асосий деб олинган ривожлантириш таълими принциплари лойиҳавий тафаккур асосларининг шаклланиш ғояларини деярли ортда қолдирди. Бундай ижодий изланишларнинг мақсади ва шиори – «ҳар бир болага шахсий ва умумий мойилликларини ривожлантиришда ёрдам бериш», бу лойиҳавий таълимга янгича ёндашувларни белгилади:

- таълимнинг йўналтирилиши ва алоҳидалашуви;
- лойиҳалар устида гурӯҳ бўлиб ишлашдан фойдаланиш;
- таҳсил олувчиларнинг ташаббускорлиги ва мустақиллигини таъминлаш.

XX асрнинг 30-йилларида Америка педагогикасида У. Килпатрик концепциясининг танқиди кенг тарқалди. Ҳамкаслар қуйидагиларни ҳаққоний таъкидладилар:

➤ лойиҳалар усули гипертрофияси – унга таълимнинг асосий усули нуфузини бериш, бу ўқувчиларнинг назарий билимлари етарлича шаклланмаганлигини изоҳлади;

➤ ўқитувчининг вазифасини маслаҳатга йўналтириш [29].

Натижада бу таълим усули Америка мактабларида баъзан қўлланилиб, кейинчаклик ундан техника, табиий-илмий ва қишлоқ хўжалиги фанларини ўрганишдагина фойдаланилди.

Америка педагогларининг ишланмалари билан деярли бир вақтда Россияда лойиҳавий таълим ғоялари ишлаб чиқилди. 1905 йилда бу ерда С.Т. Шацкий бошчилигига дарсни лойиҳалаштиришдан билим ва кўникмалар ўртасида алоқа ва уларнинг амалиётда қўлланилишини таъминловчи восита сифатида фаол фойдаланишга уринган ходимлар гурӯҳи тузилди.

В.Х. Килпатрикнинг «Лойиҳалар усули. Мақсадли кўрсатмани педагогика жараёнида қўллаш» рисоласи чоп этилгач, лойиҳавий таълим дастлаб Россиядаги тажриба, сўнгра баъзи оммавий мактабларда кенг тарқалди (1925 г.).

Бироқ совет олимлари (В.Н. Шульгин, М.В. Крупенина, Б.В. Игнатьев) лойиҳалар усулинин таълимнинг асосий усули сифатида кўриб чиқувчи Э. Коллинзнинг хатоларини ҳисобга олмадилар. Шу даврга хос ифоданинг қатъйлиги «Лойиҳалар усули – таълим мактабини ҳаёт мактабига айлантириш» формуласида баён этилди. Бу гиперболлаш (ва маълум маънода - бачканалаштириш) натижасида мажмуавий-loyiҳavий дастурлар ишлаб чиқилди (1929-1930), уларда ўкув фанлари рад этилиб, билимларни ўқитувчи бошчилигига мунтазам ўзлаштириш эса «Саводсизликни бартараф этишга ёрдам берамиз», «Масъулиятсизларни аниқлашга ёрдам берамиз» ва ҳоказо лойиҳа топшириқларини бажариш бўйича таҳсил олувчилар билан ишлаш билан алмаштирилди.

Бунинг натижасида «ўқув режа ва дастурлари сиқиб чиқарилди, ўқитувчининг ўрни камситилиб, ўқувчиларни фан асослари билан қуроллантириш тартибсиз ва баландпарвоз маълумотларни тўплаш билан алмаштирилди, мактаб ўз мавқеини йўқотди» [24.686-б]. 70-йилларда таъкидланганидек, «1931 йилда БУКП МКнинг «Бошланғич ва ўрта таълим тўғрисида»ги қарори билан қораланди, шундан сўнг Россияда бу усулни мактаб амалиётида лойиҳалар усули тиклашга уринишлар қўлланилмади» [3, 17-т. 162 б].

Педагогика тарихининг хозирги тадқиқодчилари таъкидлайдиларки, ўтган асрнинг 20-йилларида лойиҳалар усулидан фойдаланиш мактабда таълим сифатининг ҳақиқатда йўл қўйиб бўлмас қулашига олиб келди. Бу ходисанинг сабаблари орасида қуйидагилар фарқланади:

- лойиҳалар билан ишлашга қодир педагогика ходимларининг йўқлиги;
- лойиҳа иши услубиятининг суст ишланганлиги;
- «лойиҳалар усули» гипертрофиясининг бошқа таълим усулларига зарари;
- «лойиҳалар усули»нинг педагогика нуқтаи назаридан саводсиз «комплекс дастурлар» ғояси билан мослиги [9].

Шу билан бирга, лойиҳавий таълимнинг афзалликлари жаҳон педагоглар жамоатчилиги томонидан баҳоланди. XX аср бошларида лойиҳа усулидан Америка таълим стратегияси сифатида оқилона фойдаланилди, ривожлантирилди. АҚШ, Буюк Британия, Бельгия, Истроил, Финляндия, Германия, Италия, Бразилия, Нидерландия ва бошқа кўпгина мамлакатларда таълимнинг таркибий қисми сифатида дастур ва дарсликларга киритилди.

Дж. Дьюининг таълимга инсонпарварона ёндашув ғоялари, унинг издошлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар усули назарий билимлар ва уларнинг амалиётда таълим олувчилар билан биргаликдаги фаолиятда воқеликдаги муайян муаммоларни ҳал этиш учун қўлланилишининг оқилона бирлашувига кўра кенг тарқалди ва оммалашди. «Мен ўрганаётган ҳамма нарсанинг нима учун кераклиги ва уларни қаерда қўллашимни биламан», - лойиҳалар усулини янгича тушунишнинг асосий тезиси ҳисобланиб, у академик билимлар ва прагматик уқувлар ўртасидаги мувозанатни топишга уринувчи кўпгина таълим тизимларини жалб этади.

Лойиҳавий таълимга қизиқишининг ортиши ва янада ривожланиши Ғарбий Европа мамлакатларида таълимни ислоҳ этиш билан боғлиқ. XX асрнинг 60-70-йилларида лойиҳавий услубият талабаларнинг таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш, уни жамиятнинг демократик ўзгаришлар ва ижтимоий сўровларига очиш талаблари остида иккинчи ҳаётни бошдан кечирди. Лойиҳавий таълим ғоялари бაъзи жиҳатлари билан бу вазифалар, айнан эса: анъанавий буйруқбозлик педагогикасидан ҳамкорлик, муқобил таълим шаклларини кенгайтириш, таълимни амалиёт билан яқинлаштириш, таҳсил олувчиларнинг манфаат ва эҳтиёжларини кўзда тутиш, уларнинг фаоллиги ва мустақиллигини ривожлантиришга ўтишга мос келади. Булар фаолият ва амалиётга қаратилган таълим концепцияларида ўз аксини топган.

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шароитларда маҳаллий таълимда лойиҳавий таълимни тиклашга уринишлар кузатилмоқда. Бизнинг вазифамиз бу турдаги таълимни ривожлантиришнинг аввалги босқичларида эришилган фойдали томонларини сақлаб қолиш, уни янги ғоялар билан бойитиш ва давр талабига мос ва тараққийпарвар талабларга ўзгартеришдан иборат.

Бу ўринда лойиҳавий таълимни шахсий педагогик таржимаи ҳолга, замонавий таълим жараёнига бирлашиш ва ўзгариш қобилиятига эга қайта мослаштирилган (тикланган) педагогика янгилиги сифатида кўриб чиқиш мумкин.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН ВА ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Афонина М.В.Метод проектов в работах зарубежных ученых <http://www.eidos.ru/journal/2005/0530.htm>.
2. Горлицкая С.И. Метод проектов в информатизации образования - обзор и реализация [http://vio.fio.ru/vio\\_03/cd\\_site/Articles/art\\_4\\_4.htm](http://vio.fio.ru/vio_03/cd_site/Articles/art_4_4.htm)
3. Делор Ж. Образование: сокрытое сокровище. UNESCO, 1996.
4. Джумабаева Ф.А., Суфиходжаев Н., Турсунова З.М. Развитие творческого мышления студентов: Учебно-методическое пособие. -Андижан, 2002, – 103с.
5. Ерыгина Н.Н. Проектное обучение в технологии <http://festival.1september.ru/articles/513518>.
6. Зимняя И.А.Ключевые компетенции – новая парадигма результата современного образования <http://eidos.ru/journal/2006/0505.htm>.
- Краля Н.А.Метод учебных проектов как средство активизации учебной деятельности учащихся /Учебно-методическое пособие [http://window.edu.ru/window\\_catalog/pdf2txt?p\\_id=10785&p\\_page=1](http://window.edu.ru/window_catalog/pdf2txt?p_id=10785&p_page=1)
7. Abdulhoshim o‘g‘li, Y. S. O ‘ZBEKISTON TA’LIM TIZIMIDA MUSTAQIL TA’LIMNI TASHKIL ETISHDA XORIJY TAJRIBALAR.
8. O‘G‘Li, S. Y. A. (2023). O ‘ZBEKISTON TA’LIM TIZIMIDA MUSTAQIL TA’LIMNI FIN TA’LIM TIZIMI ASOSIDA TASHKIL ETISH VA BOSHQARISH. Science and innovation, 2(Special Issue 14), 706-708.